



# Навоийнинг иҷод олами



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ  
ИНСТИТУТИ**

**НАВОЙЙИНГ ИЖОД ОЛАМИ  
(Мақолалар тўплами)**

**5-китоб**

**Adast poligraf  
ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

1. Хакқул И. Навоий шеъриятида дард ва бедардлик тазоди.....	3
2. Болтабоев Х. “Хайрат...”дан бошланган қалбларнинг севимли китоби.....	11
3. Жабборов Н. Алишер Навоий ижодида ахли маъни ва ахли сурат муносабатлари .....	23
4. Almaz Ülvi Binnatova. Təzkirəcilik ənənələrinin tarixi kökləri və ya Əlişir Nəvain təzkirəçi kimi.....	36
5. Асадов М. Навоий фардларининг поэтик хусусиятлари.....	48
6. Рафиддинов С. Навоий ижодида Каъба тавсифи.....	55
7. Очилов Э. Навоий ва Огахий ижодида гул ва булбул образларининг бадиий вазифалари.....	69
8. Ўтанова С. Образ руҳияти ва ранг ҳақиқатлари.....	81
9. Рахмонова З. Алишер Навоий ижодида сокий- муршид образи.....	88
10. Исмоилов И. “Искандар ва гадо” ҳикояти генезиси.....	95
11. Худоёрова М. Навоийнинг насрый асарларида қитъа жанрининг ўрни.....	111
12. Жўракулова Н. Навоий тазкираларида Эр ва Эран образининг ахлокий- маънавий мартабаси.....	121

*заррада офтоб, қул бўлганда эса Ҳақдир.* Таҳлил ва талкинда мана шу маъруфий жуфтликни ҳар доим инобатга олиш зарур.

## **Илёс ИСМОИЛОВ**

### **“ИСКАНДАР ВА ГАДО” ҲИКОЯТИ ГЕНЕЗИСИ**

Алишер Навоий ижодининг мазмун-моҳияти факат ўзига таяниб таҳлил этилса, олинган хулосаларни ишончли дейиш кийин. Чунки Навоий даври адабиёти анъанага таянган, мавжуд ютуклардан янгича қараш ва тажрибалар йўлида фойдаланган адабиёт эди. Давр адабиётига хос ушбу хусусият муайян ижодкорнинг янгилиги, индивидуаллиги ва мавжуд анъанага кўшган ҳиссасини аниклашда мураккабликлар туғдиради. Бу вазиятда муаллифга хос оригиналликни аниклашнинг энг яхши йўли – генетик таҳлил бўлиб, бу орқали муайян бадиий ҳодисанинг генезиси ва тарансформацияси жараёнларини кузатиш ҳамда масаланинг ўша ижодкоргача қандай йўлни босиб ўтгани-ю муайян ижодкор унга ўзидан нима қўшганлигини белгилаш мумкин.

“Искандар ва гадо” ҳикояти<sup>1</sup> “Садди Искандарий” достонини тушунишда шу қадар муҳим аҳамият касб этадики, у орқали Навоийнинг достонда олдига қўйган бош адабий мақсадини тушуниш, бош қаҳрамоннинг маънавий киёфаси ва муаллиф идеалларини англаш мумкин. Ҳикоятни “Садди Искандарий” достонининг рамзий қалити деса ҳам бўлади. Навоий ҳикояти генезиси ва қадимий асосларини аниклаштириш учун уни синчиклаб кўздан кечириш, алоҳида ажаратиш мумкин бўлган қисмларини белгилаб олиш керак. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Навоий тасвирлаган ушбу ҳикоят, дастлаб икки катта қисимга, ўз навбатида, бу қисмлар ҳам иккитадан кичик ички қисмларга ажралади. Ҳикоятни бундай бўлакларга ажратишда воқеалар ривожининг бурилиш нуқталари, янги образ, мотивларнинг пайдо бўлиши, генетик кузатиш натижалари асос бўлди. Ушбу қисмларни конкрет тасаввур этиш учун ҳикоят фабуласини жадвалда қуидагича кўрсатиш мумкин:

#### **Ҳикоятнинг I қисми**

<sup>1</sup> Biz “Saddi Iskandariy” dostonidagi “Iskandar bila ul gadolig’ ixtiyor etgan podsho...” sarlavhali dastlabki ҳикоятни “Iskandar va gado” ҳикояти tarzida qisqacha nom bilan ataymiz.

1-жадвал

I. (1) Искандар мағриб заминини фатҳ этар экан у ернинг ҳукмдори жангларда ҳалок бўлади. Искандар шу ерлик, шохлик ишидан хабардор кишини ҳукмдор килиб тайинлашни истайди. Суриштириб подшозодалардан бўлган, аммо таҳтни тарқ этиб, қабристонда факирона ҳаёт кечиравчи гадо ҳакида эшитади.

(2) Искандарнинг ҳузурига келтиришганида гадо иккита калла суюгини кўтариб олган эди. Искандар гадодан суюклар ҳикматини сўрайди, гадо неча замонлардан бери улардан қай бири шоҳники-ю қай бири гадоники эканини ажратолмаслиги, модомики, ўлгач бир хил экан, тирикликда низолашишларини тушуна олмаслигини айтади. Гадонинг оқиллигига қойил қолган Искандар агар ҳиммати ҳам бўлса, уни шу юртга ҳукмдор килмоқчилигини айтади.

## Ҳикоятнинг II қисми

2-жадвал

II. (1) Гадо ҳиммати борлиги, аммо ҳиммати Искандар ўйлаганидек паст эмаслиги, унинг ҳиммати тўрт нарса: абадий ҳаёт, қарилиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик, ғами йўқ шодлик тилаши ҳакида айтади.

(2) Искандар гадонинг юксак истакларини бажара олмаслигидан ва буюк ҳиммат соҳиби бўлган гадога таклиф килган ҳакир нарсасидан уялади ва гарчи тақдир мени азиз килган бўлса ҳам, сенга ҳимматни меникидан каттарок берди, бироқ мен ҳам тақдир измидаги одамман, дейди. [8, 72 – 75-б.]

Жадвалдаги рим ва араб ракамлари ҳикоятнинг алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган қисмларини билдиради, бизнингча, мана шу қисмлар ва деталларнинг қўшилишидан “Искандар ва гадо” ҳикоятининг Навоий тасвирлаган варианти хосил бўлган ва уларнинг ҳар бири ўзига хос генезисга эга.

**Ҳикоятнинг биринчи қисми генезиси.** Навоий ҳикоятининг биринчи (I) қисми тарихий воқеа асосида шаклланган бўлиб, рим тарихчиларидан Квинт Курсий Руфнинг (ваф. милодий I аср) “Буюк Александр Македонский тарихи” асарида баён қилинган. Руф шарқда кенг тарқалган ва “Садди Искандарий” достонида муҳим адабий-эстетик вазифа бажарган “Искандар ва гадо” ҳикояси биринчи қисмининг тарихий асосларини батафсил ёзиб қолдирган

[10, с. 47 – 48]. Руфнинг ёзишича, бу воеа Александр дастлабки жангда Дорони мағлуб эттач. Сидон<sup>1</sup> деган худудга келганида содир бўлган. Руф кайд эттан ушбу тарихий воеада Навоий тасвирлаган хикоят билан қўйидаги параллелларни кузатиш мумкин:

З-жадвал

Воқеалар кетма-кетлиги		
	Руфнинг “Александр Македонский тарихи” асарида	Навоийнинг “Салди Искандарий” достонида
1	Александр Сидон шахрининг Доро томонидан тайинланган ва доропараст ноibi Стратиони таҳтдан тушириб, ўрнига сидонликлар сулоласидан чиккан хукмдорни тайинламоқчи бўлади	Искандар Мағриб заминини фатҳ этар экан у ернинг хукмдори жангда ҳалок бўлади, шу боис Искандар ерли ахолидан бўлган подшоҳзодалардан бирига таҳтни топширмокчи бўлади
2	Александр дўсти Гефестионни бу ишга масъул этиб тайинлайди, Гефестион сидонлик дўстларидан бирини таҳтга чикаришни хоҳлайди, аммо улар сидонликлар одати бўйича шоҳнинг авлоди бўлганларгина таҳтга чикиши кераклигини айтишади	Скандар чу фаҳм этти хасмин катил, Анга мулки ичра тилатти адил. Дедиким: «Бу кишвар салотинидин, Хабарлик жаҳонбонлик ойинидин, Колибму экин бир анингдек киши Ки, килсам ружуъ анга бу мулк иши? Ани элга шоҳ айласам мустақил Ки, мулк ўзгага бўлмаса мунтақил»
3	Гефестион сидонликлардан чиккан хукмдорларнинг авлоди ҳакида сўрайди ва у ерликлар Абдалоним исмли кишини айтишади. У қирол оиласи	Искандар ҳалойикдан хукмдорлар авлодидан бўлган, подшоҳлик қила оладиган кимдир борми, деб сўраганида ҳалойик фақат битта шундай

<sup>1</sup> Sidon – qadimgi Finikiya shaharlaridan biri, O'rtayer dengizining Liviyaga qaragan sharqiy sohilida joylashgan.

	<p>билан узок қариндошлик орқали боғланган, аммо қашшоклиқ туфайли ўзининг камтарона боғини парваришларди.</p> <p>Камбағаллигининг сабаби ҳалоллигидир; Осиёни ларзага солган қурол-яроғларнинг жаранглаган овозини ҳам эшифтади, дейишади</p>	<p>киши борлиги, аммо у тахтни тарқ этиб, халқка аралашмай қабристонда яшаб юриши, элни фано сари тарғиб этувчи насиҳатлар айтиб юриши ҳакида хабар беришади</p>
4	<p>Гефестионнинг топшириғи билан бир неча киши бориб, Абдалоним боғига кириб, жулдир кийимдаги Абдалонимни шоҳона кийинтириб, саройга олиб келишади</p>	<p>Искандар у одамни топиб келтиришни буюради ва ходимлар уни Искандарнинг хузурига олиб келишади</p> <p>Яланг эрди бошу, аёғи яланг,</p> <p>Яқо чокидин кўкси доғи яланг</p>
5	<p>Александр дарҳол уни чакиртириб, унга узок тикилди. “Сенинг ташки кўринишинг, – деди у, – зотинг шарафли эканига зид эмас, лекин менга қашшоклигингга сабр билан чидаганинг ҳакида билиш кизикрок. Кейин Абдалоним жавоб берди: “Қироллик ҳокимиятига ҳам шундай катъият билан чидай олсам, яхши бўлади! Мен хоҳишларимни доим ўз кўлларим меҳнати билан кондирганман; ҳеч нарсам йўқ, мен ҳеч қачон ҳеч нарсага муҳтож эмасман”</p>	<p>Жаҳон шуғли гардига силкиб этак,</p> <p>Тутуб ики илгига ики сўнгак. Скандар анга эҳтиром айлади,</p> <p>Ўз оллинда олий мақом айлади.</p> <p>Деди: «Бу сўнгаклардин афсона айт,</p> <p>Не сўрсам, жавобин анинг ёна айт!»</p> <p>Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,</p> <p>Неча бу сўнгакларга солдим назар.</p> <p>Замиримга лекин ниҳон қолди бу</p> <p>Ки, шаҳнинг қаюдор, гадонинг қаю?</p> <p>Чу ўлганда бирдур бу ики матў,</p> <p>Тирикликда невчун қилурлар</p>

	изў?»
6	<p>Александр Абдалонимнинг бу сўзларидан калбининг юкеаклигига ишонч ҳосил килди; Александр унга Стратионинг барча кироллик мулкинигина эмас, балки Форс ўлкасининг кўп кисмини топширди, бундан ташқари, шаҳарга тулаш худудларни унга бўйсундирди</p> <p>Келиб бу каломи Скандарга хуш, Деди: «К-эй забоновари боркаш, Сени топтим асру бийик нукталик, Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик. Сени кишварингда қилай аржуманд, Бериб шоҳлиғ, поянг айлай баланд»</p>
7	<p>Деди: «Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст, Сен истардек эрмас, vale асру паст Ки, тарк айлабон фақр сармоясин, Писанд этгамен шоҳлиғ поясин. Эмас рубъи маскунга рағбат манга, Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга: Бири андин ўлди ҳаёти абад Ки, йўқтур анинг интиҳосиға ҳад. Яна бир: йигитликки топмай халал, Қарилик била бўлмағай ул бадал. Яна бир: ғинойи муаббаддуур Ки, оллинда ифлоска раддуур. Яна: шодлиғким, йўқ онинг</p>

	гами, Адам бўлғай ул сурнинг мотами»
8	<p>Скандарни ҳайрат забун айлабон,</p> <p>Деди, бош уётдин нигун айлабон</p> <p>Ки: «Эй фаррухойину фархундарой,</p> <p>Бу уқдангдин ул бўлди мушкилкүшой</p> <p>Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлик,</p> <p>Санга факр берди, манга шоҳлик.</p> <p>Агарчи мени айлади аржуманд,</p> <p>Санга берди ҳимматни мендин баланд»</p>

Ушбу киёсий жадвалдан Навоийнинг “Искандар ва гадо” ҳикояси биринчи қисмининг сарчашмаси Руф ёзиб қолдирган тарихий воеа экани коъриниб турибди. Ҳар икки эпизодда воеалар ривожи, тарихий макон ва замон бир хил. Ҳар икки воееликни Александр шахси бирлаштириб турибди, фактат тарихий воееликнинг адабиётга трансформацияси жараёнида дин, дунёкараш билан бөгълиқ бир қанча омиллар оъз таъсирини оътказган ва воеанинг янгича талқинларини юзага келтирган.

Навоий тасвирилаган ҳикоятнинг Искандар томонидан гадога таҳт таклиф этилишигача боълган қисми Руф қайд этган тарихий воеелик асосида шаклланган, чунки ҳикоятнинг шу оърнига қадар тарихий воеелик ва ҳикоят оъртасида параллелик сакланган, бирок ҳикоятнинг давоми ва якуни Руф қайд этган тарихий воееликка мос эмас. Ушбу киёс орқали прототиплар борасида шундай дейиш мумкин: Навоий ҳикоясидаги Искандар бу – Александр, Навоий воеа содир боълган жой сифатида тасвирилаган “Магъриб замин” бу – қадимги Сидон шаҳри; Навоий жангда ҳалок боълди деб тасвирилаган шоҳ бу – Стратио; ҳикоятда Искандар вафот этган

шохга нисбатан адолат бөльши, унинг юртини бегоналар узгламаслиги учун унинг авлодидан бөйлган шахзодани таҳтга чикаришини хоҳлайди – Александр ҳам Сидонга сидонликлардан чиккан подшоҳзодани тайинлаш орқали адолатни тиклашни истайди; хикоятда ҳалк кабристонда яшаб юрувчи шоҳлар судоласидан бөйлган одам ҳакида хабар беради – сидонликлар Александрнинг истагини билгач, унга шу ерлик қадимий сулола вакилларидан бөйлган, ҳалоллиги туфайли қашшокликка учраган Абдалоним ҳакида хабар беришади, яъни Навоий хикоясида исми көрсатилмаган гадонинг тарихий прототипи – Абдалоним<sup>1</sup>;

Навоий хикоятининг шу жойида тағсилотлар кисман съзгаришга учраган, аммо мантиқ сакланиб қолган: Навоийда гадо бош чанокларининг хикматини изоҳлаш билан Искандарни койил колдирса. Руфда қашшоқ киши сабрлилиги, эҳтиёжсизлиги билан Александрни койил колдиради. Ҳар икки воқеада ҳам подшоҳ факирга койил қолади ва унга шоҳликни таклиф этади. Бу оъринда Навоий хикоясига бош сүяклари мотивнинг қандай қоъшилганини ҳам изоҳлаш зарурати бор.

(2) Суяк ёки унинг кисми бөйлган ошиқ-мошиқ мотиви билан bogъlik tasvir va tasavvurlar ko'проқ folklorda учраса-да, ёзма адабиётда ҳам мавжуд. Xўsh, бош чаноклар детал-мотиви шарқ адабиётида Навоийга қадар кимларнинг асарларида учрайди? "Искандар ва гадо" хикояти худди шу шаклда шарқ адабиётида Навоийгача мавжуд эдими? Мана шу икки саволга жавоб топилса, ўз-ўзидан, хикоятдаги бош чаноклар детали Навоий тасвирларига каердан келиб кўшилгани ёки Навоийнинг ихтироси экани маълум бўлади.

Навоийга қадар шарқ адабиётида шоҳ-у гадо зиддияти мотиви мавжуд эди ва турли шаклларда учраб туради. Лекин бизни хикоятининг айнан Искандар ва бош чаноги кўтарган гадо зиддияти тасвирланган версиялари кизиктиради. Масалан, ҳамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларда ушбу хикоя учрамайди. Шу маънода Навоийнинг ушбу хикоятни биринчи

<sup>1</sup> Bu soʻgʻan Pompey Trog (ind. avv. I asr) ham qizqacha qayd etgan. Anuk davri tarixchilaridan Yustin Pompey asari asosida yozgan "Filipp tarxi" kitobida Abdalonim haqida shunday yozadi "(Aleksandr) keyin Suriyaga borib u yerlarni bo yurandirdi, yana bu qancha joylarni egalladi. Sidonga zodagonlar qolib, qurigan quduqlarni tozalash, bog'lar u yug orish iahlarda iahlagan, yadodek hayot kecharuvchi Abdalonumni hukmador qilib tayinlaydi va bu orgali unga berilgan manasab shohuning marmavardan emas, balki uning nasl-nasabi tufayli ekani ni ko'tsamoqchi bo'ldi" [13, c. 99 - 109].

марта хамсанависликка янги адабий материал сифатида олиб киргани рост, лекин Навоий ҳикоятларига хос асосий хусусият шуки, шоир улардан аксарият ҳолларда бирор фикрни тасдиклашда фойдаланади ва уларнинг асосий кисми шарқда сайёр ҳикоятлардир. Шу боис ушбу ҳикоят Навоий достонига бирор манбадан ўтган, деган жиддий мулоҳаза бор. Агар ҳикоятнинг мазмунидан келиб чикилса, унда шоҳ ва гадо қарама-каршилиги, бу орқали ҳукмдорларга насиҳат, эслатма асосий планда туради. Шу мантиқка суюнилса, бу ҳикоят Навоийдан олдин шоҳларга насиҳат, ойна мазмунида ёзилган асарларда учраши керак. Подшоҳларга насиҳат руҳидаги бундай асарларни ёзиш эса XI – XII асрларда урғ бўлган ва бу адабиётнинг энг яхши намуналари айни мана шу даврда яратилган. Масалан, Имом Фаззолийнинг “Насиҳат ул-мулук” (XII аср) асарида бош чаноклар детал-мотиви қатнашган ҳикоятга дуч келамиз. Унда Зулқарнайн ҳукмдори йўқ, эшигининг оғзида гўри ковланган, факат ўт-ўланлар билан озикланадиган одамлар яшовчи жойга бориб қолади, у ерда ҳукмдорни топа олмагач, одамлар билан сұхбатлашади, улар билан савол-жавоблар килади, гап бойлик, тилло-кумуш масаласига келганда шу ерликлардан бири икки бош суюгини кўрсатиб, улардан бири золимники, иккинчиси адолатли ҳукмдорники экани ва уларнинг фарксиз эканига ишора қилиб, Зулқарнайннинг бошини ушлаб, бу кайси бири деб сўрайди, шунда Зулқарнайн донишмандлигига койил қолиб, унга вазирлик мансаби, катта мол-мулк ваъда килади, аммо у одам буларни рад этади [14, с. 37 – 39.]. Фаззолий тасвирлаган ушбу ҳикоятда икки бош суюги мотивидан Навоий тасвирлаган ҳикоятдан бироз фарқли равишда фойдаланилган бўлса-да, улардаги умумийликни сезиш қийин эмас. Фаззолий ҳикояти Навоийга қадар шарқда яратилган ахлоқий-дидактик типидаги асарларда Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ ривоят ва афсоналарда икки бош чанок детали ва уни кўтарган шахс образи мавжуд бўлганини тасдиклайди.

Й.Э.Бертельснинг кайд этишича, Абубакр Туртушийнинг “Сирож ул-мулук” асарида “Искандар ва гадо” ҳикояти мавжуд [3, с. 307]. Ҳикоятнинг Туртуший ва Навоий тасвирлаган версиялари композицияси, тафсилотлари жуда ўхашаш. Дастлабки фарқ шуки, Туртуший версиясида Искандар қабрларда яшовчи подшоҳни учратиб колади, лекин уни кидирмайди. Искандар билан сұхбатда у

ота-бобалари шу қабрстонга кўмилгани, уларнинг суюкларини кулларнинг суюкларидан фарқлаш учун бу ерга кўчиб келгани, лекин суюклар бир хил бўлгани боис мақсадига эриша олмаганини айтади. Яна бир фарқ шуки, Туртуший версиясида суюклар мотиви бўлса ҳам, айнан икки бош чаноқ детали йўқ. Ҳикоятнинг кейинги кисми Навоий тасвирлаган вариант билан бир хил давом этади, факат якун кисман фарқ қиласди, яъни Искандар қабристонда яшовчи шоҳнинг хоҳишлирини бажара олмаслигини айтгач, у “ким бажара олса, шундан сўрайман” деб кетади. Навоий версиясида гадо бундай фикр билдирамайди, аксинча, сухбат сўнгида Искандар гадонинг ҳиммати ўзиникидан баландлиги, лекин иккаласининг бу ҳолати тақдир туфайли эканини айтади.

Туртуший ва Навоий версиялари ўртасидаги асосий фарқ мазмун ва талқинда бўлиб, Туртуший версиясида асосий эътибор қабристонда яшовчи шоҳ ва унинг донишмандлигини кўрсатишга каратилган, ҳатто Искандар билан учрашуви ҳам тасодифий характерга эга. Навоийда эса асосий эътибор Искандар шахсини кашф этиш, унинг ҳиммати даражасини кўрсатишга каратилган бўлиб, гадо ана шу мақсадни аниклаштиришда мезон вазифасини бажарган. Навоий версиясидаги энг катта янгилик эса шоҳ ва гадо зиддияти тасвири ҳамда унинг зимнида ҳиммат ва факт маслагига оид сўфиёна қарашларнинг ифодаланганидир. Туртуший версиясида шоҳ ва гадо зиддияти эмас, балки шоҳ ва доно шоҳ зиддияти мавжуд бўлиб, унда ҳиммат ва факт масаласига оид қарашлар акс этмаган. Тўғри, Навоий версиясида ҳам қабристонда яшовчи гадо аввал шаҳзода бўлгани айтилади, аммо Навоий уни “гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки филҳақиқат подшоликқа етган гадо” деб атайди, яъни Навоий уни гадоликни ихтиёрий равишда шоҳликдан афзал билган подшоҳзода деб таърифлайди, у Туртуший қаҳрамонидек қабристонга бирор мақсадда кўчиб келмаган. Бошқа ўринда эса фактни тарқ этиши учун ҳиммати тўрт нарсани исташи ҳакида айтади, демак, Навоий тасвирлаган шахс фактни маслак килган маърифат гадоси. Навоий Искандар ва гадо зиддияти воситасида тасаввуфдаги ҳиммат ва факт масалаларига оид фикрларини ифодалаши билан салафларидан жиддий фарқланиб туради. На Фаззолий версиясида, на Туртуший версиясида бундай талқинларни учратмаймиз. Навоий ҳикоятида эса Фаззолий ва Туртуший версиялари қоришгандек туюлади.

Хуллас, Навоий версиясидаги икки бош чанок мотиви XI – XII асрларда ёк шарқ ижодкорлари асарларида ишлатилған, Навоий тасвирилаган ҳикоят эса күпрөк Тұртуший қайд этган версия асосида шаклланған. Икки бош чанок мотиви ва Навоий тасвирилаган ҳикоят композицияси Навоийга қадар шарқ адабиётида мавжуд эди.

Ушбу фикрлар Навоий тасвирилаган ҳикоятнинг биринчи кисми ва ундағы икки бош чанок мотиви билан боғлиқ ҳолда қайд этилди ва таҳлиллар юкорида күйилған ҳар икки саволга жавоб берілген: 1. “Искандар ва гадо” ҳикояти худди шу шаклда шарқ адабиётида Навоийга қадар Тұртуший асарида бўлған, лекин унда айнан икки бош чанок детали эмас, умуман, сұяклар детали мавжуд эди. 2. Бош чаноклар детал-мотиви Навоийга қадар шарқ манбаларидан Фаззолийнинг “Насиҳат ул-мулук” асарида учрайди (эхтимол, биз билмаган бошқа манбаларда ҳам бўлған). Ҳикоят Навоий достонига шарқ ёки ғарб манбасидан (шарқдаги таржимаси орқали) ўтган бўлиши ҳам мумкин. Чунки мазкур образ ва ҳикоят Навоийга қадар сайёр характер касб этиб улгурған, шубҳасиз, бу ҳикоятнинг асослари Фаззолий ва Тұртуший томонидан яратилған эмас.

Ҳикоят воқеаларининг кейинги ривожи жиддий фарқ килишига қараганда, Навоий тасвирилаган ҳикоятнинг иккинчи (II) кисми бошқа тарихий асослардан келиб чиқкан. Руф қайд этган воқеанинг сўнгидаги Абдалоним таҳтни қабул қиласи ва воқеа шу ерда ўз ниҳоясига етади. Навоий ҳикоятида эса сюжет давом этади.

**Ҳикоятнинг иккинчи қисми генезиси.** Навоий тасвирилаган ҳикоятнинг иккинчи (II) кисми яна иккита ички қисмларга ажралади: 1. Искандардан гадонинг тўрт истагини (абадий ҳаёт, қарилиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик, ғами йўқ шодлик) бажо келтиришни сўраши эпизоди. 2. Искандарнинг ҳиммат бобида гадо ўзидан устун эканини тан олиши, уялиши ва у ҳам тақдир измида эканини айтиб ўзини оқлаши, охир-оқибат гадонинг шоҳликни қабул килмаслиги эпизоди. Изланишлар шуни кўрсатдик, Навоий тасвирилаган ҳикоятнинг мазкур қисмлари замирида Александр Македонскийнинг Ҳиндистонда браҳманлар – гимнософистлар билан тарихий учрашуви, сұхбатлари ётади.

Мазкур воқеа тарихий асосларга эга бўлиб, антик давр тарихчиларидан Мегасфен браҳманларнинг турмуш тарзи, ахлоқи ва карашлари ҳақида ёзади [1, п. 97 – 105]. Александр

браҳманларнинг улуғи бўлган Манданисни хузурига чорлайди, келса, тухфалар бериши, йўқса, жазолашни ваъда килади, лекин Манданис бормайди, чунки у Александрни Зевснинг ўғли деб хисобламас ва нафсини ҳеч нима билан кондира олмайдиган одамнинг бирорта совғасини хохламас эди. У айтадики, агар тирик бўлса, хинд ерларидағи мевалар унга кифоя, агар ўлдирилса, оғир ҳамроҳи, кариган танасидан озод бўлади ва янги ҳаётга эришади. Александр хинд донишмандининг бу фикрларига қойил қолиб, уни жазолашдан воз кечади [1, п. 106 – 107]. Александр ва браҳманлар ўртасидаги бу мулокотни Арриан ҳам худди шундай тасвирлаган [2, с. 213]. Лекин Мегасфен ва Арриан Александрнинг браҳманларга берган ўнта саволини қайд этган эмас. Биз мазкур савол-жавоб эпизодини қадимги тарихий манбалардан бўлган Плутархнинг “Александр” асарида учратамиз [9, 80 – 81-б.]. Плутарх қайд этган Александр ва браҳманлар савол-жавоби акс этган эпизод кейинчалик “Александр ва Негев оқсоколлари (донишмандлари)” тарзида Талмуд адабиётида оммалашган, мафкуравий қайта ишланган [11, п. 453 – 454]. Антик тарихдаги Александр ва браҳманлар савол-жавоби лавҳаси тарихий манбалардан Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясига ҳам кўчиб ўтди ва қайта ишланди. Псевдо-Каллисфендаги қайта ишлаш, асосан, эпизоднинг сўнгига содир бўлган, яъни файласуфлар ўнта саволга жавоб бергач, Александр уларга миннатдорчилик ифодаси сифатида “хоҳлаган нарсангизни сўранг, мен сизга бераман” дейди. Мана шу нуктадан кейинги сухбат тарихий манбаларда учрамайди. Мегасфен, Арриан, Плутарх ва Талмудда воеа Александрнинг ё браҳман фикрларидан, ё браҳманларнинг саволларга жавобидан ҳайратланиши ва уларга совғалар бериб, озод қилиши билан тугайди. Бундай якун Александр ва браҳманлар учрашуви тасвирланган турли версиялар ўртасидаги умумийлик, ўзаро уйғунликни ҳам кўрсатади. Бироқ уларда айнан Псевдо-Каллисфенда қайд этилган якунни кўрмаймиз, Псевдо-Каллисфенда воеанинг сўнгига инсоний ожизлик, буюклика даъвогар шоҳнинг оддий одам томонидан мот қилиниши, ўлим ва абадийлик мотивларини ифодалашга уруниш мавжуд. Бу “Искандар ва гадо” хикоятнинг иккинчи кисмига Александр ва браҳманлар сухбатининг Псевдо-Каллисфенда қайд этилган версияси трансформация бўлган, деган карашимизни тасдиқлайди.

Псевдо-Каллисфенда Александр Порусни енганидан сўнг Ратнирон деган жойда горларда истикомат килувчи ялонгоч донишмандлар – браҳманлар (гимнософистлар<sup>1</sup>)га карши жанг килиш учун борган эпизоди мавжуд [12, п. 92 – 93]. Мазкур эпизод кейинг давр искандарномаларида кўплаб ўзгаришларга учраган. Псевдо-Каллисфенда тасвириланган Александр ва браҳманлар воқеаси ҳамда Талмуддаги “Александр ва жануб оқсоқоллари” сюжети ҳам ўхшашиб ўлиб, генезисига кўр бир манабага алоқадор. Шарқ адабиётида, дастлаб, Фирдавсий достонида эпизод батафсил тасвириланган [6, с. 95 – 101].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, “Александр ва браҳманлар” воқеаси Навоий достонига икки кўринишда таъсир кўрсатган:

1. Навоий “Садди Искандарий”да ўз фикрларини тўрт йўналиш: **саргузашт, мулоҳаза, ҳикоят, ҳикмат (савол-жавоблар)**да ифодалаган. Тўрт йўналишнинг охиргиси бўлган ҳикматларда факат фалсафий савол-жавоблар баён қилинган. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам Искандар мавзусининг ажралмас кисмига айланган ва жуда кенг оммалашган фалсафий савол-жавоб детали ёки ушбу мотивнинг Навоий томонидан тасвириланмай қолиши ёки ундан бехабар бўлишини тасаввур этиш қийин. Бизнингча, Навоий ушбу эпизодлардан яхши хабардор бўлган ва хамсанавис салафларидан фарқли равишда уларни алоҳида йўналиш – фалсафий муҳокама(ҳикмат)лар тарзида тасвирилашга карор килган ва Искандар мавзусига алоқадор барча фалсафий савол-жавоблар ушбу йўналишга сингдириб юборилган. Навоий досотонида Искандарнинг саволларига, асосан, Арасту томонидан жавоб берилиши ҳам у қадар мантиқсиз эмас. Қолаверса, шарқ муаррихлари, адиблари Александр томонидан берилган саволларга Арасту берган жавоблар тўпланган рисола мавжуд бўлгани ҳакида ёзишади. Жумладан, Беруний «Ҳиндистон» асарида Арастунинг браҳманлар берган саволларга қайтарган жавоблари тўпланган рисоладан бир неча иқтибос ҳам келтиради [4, 105-, 184-б.]. Бундан ташқари, 900дан ортиқ турли фанларга оид саволларга берилган жавоблар тўпланган (савол-жавоб тарзида тузилган), Аристотелга нисбат берилувчи “Проблемс” номли асар мавжуд. Асар савол ва жавоблардан иборат. Бизнингча, Александр ва Арастуга оид бундай

<sup>1</sup> Gimnosofistlar (yunoncha, "yalang'och faylasuflar") – ma'naviy takomil yo'lida badanni xalaqit beradigan keraksiz tashvish sifatida ko'ruvchi, kiyimga e'tiborsiz hind asket-faylasuflarining yunoncha nomi.

ходиалар, колавереа, Навоийнинг ижодий мақевади туфайли “Сади Искандарий”да алоҳида йўналиш – фалсафий савол-жавоб-лар линияси пайдо бўлган.

2. “Александр ва браҳманлар” воқеасининг Псевдо-Каллисфенда учровчи версияси айнан “Сади Искандарий”даги “Шоҳ ва гадо” ҳикоясига трансформация бўлган. Псевдо-Каллисфенда баён килинган Александр ва браҳманлар воқеасига оид асосий тафсилотлар қўйидагича:

“Александр браҳманлар истикомат қиласиган жойга келиб, уларнинг тоғ ковакларида, аёллари ва болалари текисликда яшашини кўради. Улар орасида шундай (ўнта) савол-жавоб бўлиб ўтади: – Бу ерда қабрларингиз йўкми? – Биз яшайдиган жой бизнинг уйимиз ва қабримиз ҳамдир; шу ерда ётамиз ва танамизни доим унга дафн этамиз, шунда машғулотлар-у таълимимиз бу дунёда, ҳаётимиз давомийлиги у дунёда абадий бўлиши мумкин. – Кайси эркаклар кўпроқ, ўлигими ё тириги?... Александр ушбу саволларни бериб бўлгач, уларга деди: “Нимани хоҳласангиз, дархол сўранг, мен сизга бераман”. Браҳманлар: “Биз сендан ўлимсизлик (абадийлик)ни сўраймиз”, дедилар. Александр: “Мен ўлимсизлик устидан хукмрон эмасман, чунки ўзим ўлувчиман”. Браҳманлар: “Модомики ўлар экансиз, бу урушлар ва жангларни нима учун киляпсиз? Бутун дунёни эгаллаб олганингизда уни каерга ҳам олиб борардингиз? Сиз ўлувчи бўлганингиз учун барибир бошқаларда қоладику?!””, дедилар. Александр шундай деди: “Буларнинг бари тақдир туфайли ва фалакнинг иродаси билан содир бўлади... агар ҳамма бир хил фикрласа ва бир хил бўлса, бутун дунё саҳро ва ишловсиз бўлар эди; ҳеч ким денгизда кемаларда сузиб юрмасди, ерга ишлов бермасди... Ҳар биримиз бирон нарсани талон-тарож килсак, уни яна бирорга қолдирамиз ҳамда яланғоч ва ҳеч вакосиз кетамиз” [12, п. 92 – 94].

Псевдо-Каллисфенда қайд этилган “Александр ва браҳманлар” воқеасининг асосий тафсилотлари мана шулардан иборат. Дикқат килинса, Псевдо-Каллисфендаги ушбу воқеа Навоий тасвиrlаган “Искандар ва гадо” ҳикояти билан асос параллелларга эга. Уларни қўйидагича кўрсатиш мумкин:

- 1) шоҳ донишман(лар) билан учрашади;
- 2) шоҳ ва донишманд(лар) ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади;
- 3) донишманд оқиллиги билан шоҳни ҳайратда қолдиради;

- 4) шоҳ унга нимадир таклиф этади ёки ундан истагини сўрайди;
- 5) донишманд у бажара олмайдиган истак(ни шарт сифатида) айтади;
- 6) шоҳ бажара олмаслигини билдиради;
- 7) донишманд бу учун шоҳни маломат килади;
- 8) шоҳ ўз ожизлиги, хукмдорлигини тақдир воситасида оқлади.

Мана шу саккиз асос Псевдо-Каллисфендаги эпизод ва Навоий тасвирлаган ҳикоятда такрорланган, бу ҳолат уларнинг генетик алокадорлигини тасдиқлади. Айни ҳолат Псевдо-Каллисфендаги ушбу эпизоднинг шарқдаги Искандар қиссалари, жумладан, “Садди Искандарий”га бевосита ёки билвосита трансформацияси ҳакида сўз юритиш мумкинлигини ҳам англатади. Юкорида кўрсатилган ҳикоятининг дастлабки қисмига, қолган тўрттаси “Искандар ва гадо” саккиз умумий асослардан дастлабки тўрттаси “Искандар ва гадо” ҳикоятининг дастлабки қисмига, қолган тўрттаси ҳикоятининг иккинчи қисмига тааллукли. “Александр ва браҳманлар сұхбати”, бизнингча, “Искандар ва гадо” ҳикоятининг кўпроқ иккинчи қисмига асос бўлган.

Биз бу ўринда факат бешинчи (5) параллелга эътибор қаратамиз, чунки шу асос ҳам алоҳида келиб чикиш тарихига эга. Псевдо-Каллисфенда браҳманлар Александрдан факат ўлимсизлик (абадийлик)ни сўрайдилар. Навоийда эса гадо Искандарга тўрт нарса: абадий ҳаёт, карилиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик ва ғами йўқ шодлик хоҳлашини айтади. Каллисфендаги “абадий ҳаёт” ҳакидаги истак Навоийда ҳам айнан сақланиб қолган, факат у янада ривожлантирилган ва унинг қаторига яна шу мазмундаги учта янги истак кўшилган.

Шу ўринда мазкур “янги уч истак” Навоий тасвирлаган ҳикоятга қаердан кўшилган, булар шарқлик ижодкорларнинг ихтиrolарими, деган саволлар пайдо бўлиши табиий. Бизнингча, Александр ва браҳманлар учрашуvida браҳманлар томонидан айтилган битта истакнинг кейинчалик тўртта истакка айланиши жараёни ҳам антик юонон манбаларига бориб тақалади. Юкорида “Садди Искандарий”даги ушбу ҳикоят шарқда ҳикмат адабиёти ва пандномалар таъсирида жиддий трансформацияга учраганини айтган эдик. Бу ҳикоятининг мазкур нуқатасига ҳам тааллукли. Навоий тасвирлаган ҳикоятдаги гадонинг тўрт истаги ҳикмат

адабиётининг машхур намунаси бўлган, юони файласуфларининг хикматли сўзлари таржимони Мубашири иби Фотикнинг (1019 – 1097) “Мухтор ул-хикам” асарида Арастуанинг фалсафий ўгитлари сифатида қайд этилган: *туганмас бойлик, сўнгиз ҳаёт, завол билмас ҳукмронлик ва ўзгармас абадият талаб эт* [5, 364-с.]. Бизнингча, кэйинчалик мана шундай тўрт истак ва бош чаногига донр фикрлар кўшилиб, “Садди Искандарий”даги ҳикоят юзага келган. Эътиборлиси, Навоий нисбатан қадимийроқ бўлган тўрт шартга асосланган ҳикоятни танлаб олган, факат Фотикнинг “Мухтор ул-хикам”идаги тўрт шартдан бири бўлган “завол билмас ҳукмронлик” Навоийга келиб “ғами йўқ шодлик” билан алмашган. Ҳикоятдаги тўрт истакни қайта ишлаш жараёни Навоий замонида ҳам давом этган. Масалан, “Равзат ус-сафо”да худди шу сужет бор, аммо бунда Искандарга олтига шарт қўйилади [7, с. 663]. Мирхондда “маҳбуби bemakruх” ва “бузилмас сиҳат” ҳакидаги янги иккита шарт ҳам қўшилган. Шу тариқа, аслида, ихчам шакл ва мазмунга эга бўлган сужет даврлар ўтиши билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан трансформацияга учраб яшаб қолаверган.

Хулоса шуки, Навоийнинг серқатлам ижоди генетик таҳлил учун бой манба бўла олади. Мутафаккирнинг, айниқса, тарихий мавзудаги асарлари ўзининг генезиси, қадимий сарчашмалари ва тадрижий такомили билан диққатга сазовор. Айтиш мумкинки, Навоий ижоди барҳаётлигининг асосий сабабларидан бири ҳам унинг қадимий асосларга таянишидир. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида тасвирлаган “Искандар ва гадо” ҳикояти ушбу достон ва муаллиф дунёқарашларини англашда мухим аҳамият касб этади. Ушбу ҳикоят орқали Навоийнинг шоҳ ва гадо муносабати, ҳиммат ва факт каби масалаларга оид қарашларини тушуниш мумкин. Биз мақолада “Искандар ва гадо” ҳикояти Навоий тасвирлаган шаклга келгунга қадар қандай йўлни босиб ўтди, унинг генезиси қаерда, унда қандай мафкуравий эврилишлар юз берди, ушбу ҳикоят трансформацияси ва янгиланиши жараёнида Алишер Навоийнинг ўрни қандай эди, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат килдик. Биз масаланинг мана шу томонларига кўпроқ эътибор қаратдик.

Навоий тасвирлаган ҳикоят икки катта қисмга, улар ҳам ўз навбатида иккитадан кичик қисмларга ажralади, бизнингча, мана шу қисмлар ва деталларнинг қўшилишидан “Искандар ва гадо”

хикоятининг Навоий тасвирлаган варианти ҳосил бўлган ҳамда бу кисмларнинг ҳар бири ўз генезисига эга. Изланишлар шуни кўрсатдики, ушбу ҳикоят ва кисмларининг аксарияти генезисига кўра антик даврда Александр Македонский билан боғлиқ ҳолда яратилган асарларга бориб тақалади. Бирок уларнинг яхлит ҳикоя шаклида шаклланиши, Навоий тасвирлаган композицияга келиши ва ислом таълимоти гоялари тарғибига йўналтирилишида кўпроқ шарқлик ижодкорлар муҳим рол ўйнаган. Биз Навоий ушбу ҳикоятни Александр билан боғлиқ юқоридаги қадимий манбалар асосида тасвирлаган демокчи эмасмиз. Бизнингча, исталган адабий материал, жумлдан, ушбу ҳикоятининг тарихий асосларини текшириш, уларни билиш тарихий материалнинг бадиий трансформациясини тушуниш ва мустаҳкам илмий холосалар чиқаришга замин яратади.

“Искандар ва гадо” ҳикоятининг генезиси ва такомилига Навоий кўшган ҳисса, Навоийнинг мазкур ҳикоятга оид мавжуд анъана доирасидаги оригиналлиги ҳақида гапирганда тафсилотлардаги янгиланиш, бадиий мантиқнинг кучлилиги, ҳикоятнинг тасаввуфий талқини: шоҳ ва гадо зиддияти, ҳиммат ва факр маслаги тасвири эътибор марказида бўлиши керак. Навоийнинг ижодий ўзига хослиги мана шу асосларда баҳолансанда, объектив ва мустаҳкам холосаларга келиш мумкин.

### Адабиётлар

1. Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877.
2. Ариан, Флавий. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеенко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965.
4. Беруний Абу Райхон. Ҳиндистон. Асарлар. Беш томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1965.
5. Fâtik Mübeşir ibn. Muhtaru'l-hikem ve mehasinu'l-kelim. Çeviren: O.Güman. – İstanbul: Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2013.

6. Фирдавсӣ, А. Шоҳнома: Иборат аз IX ҷилд. Ҷилди VII. Таҳияи К. Айнӣ, З. Аҳорӣ, Б. Сирус. Ҳайати таҳ.: М. Осимӣ, К. Айнӣ, З. Аҳорӣ, А. Маниёзов ва диг.: – Душанбе: Адиб, 1989.
7. ۱۳۳۸ ر.ان میرخواند محمد بن خاوندشاہ، روضت الصفا. ج. ۱. - ت: پیروز،
8. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006.
9. Плутарх. Сайланма. Искандар Мақдунли. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006.
10. Руф Квінт Курцій. Історія Александра Македонського. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. редактор А. А. Вигасин. — Москва: Ізд-во МГУ, 1993.
11. Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019.
12. The History of Alexander the Great. Being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts with an english translation and notes by Ernest A. Wallis Budge M.A. – Cambridge: At the university press, 1889.
13. Юстин Марк Юниан. Эпитома сочинения Помпея Трога «Historiae Philippicae» / Пер. с лат. А. А. Деконского, М. И. Рижского; Под ред. М. Е. Грабарь-Пассек; Комментарии К. В. Вержбицкого, М. М. Холода; Вст. ст.к. К. Зельина. – СПб.: Издательство С.-Петербургского университета, 2005.
14. Фаззолий Имом Мұхаммад. Насиҳат ул-мулук. – Техрон: Мажлис, 1317 (х.).

**Мунира ХУДОЁРОВА**  
**НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ҚИТЪА**  
**ЖАНРИНИНГ ЎРНИ**

Алишер Навойнинг насрий асарларида ҳам қитъанинг гўзал намуналари мавжуд. Жумладан, “Муншаот”га 2 та, “Муҳокамат ул-луғатайн”га 2 та, “Маҳбуб ул-кулуб” асарига 29 та қитъа киритилган. Насрий асарлардаги қитъалар тасвирланаётган воеаходиса, таърифланаётган тарихий шахсга улуғ шоирнинг муносабатини ифодалашига кўра, “Хазойин ул-маоний” куллиётидан ўрин олган қитъалардан сезиларли даражада фарқ қиласди. Улар